



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING
QARORI

Boysun t., Hayot Abadiy ko‘chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun_t@exat.uz, http://baysun.uz

2021 йил «15» июль

73-8-110-Q/21

Бойсун туман ҳокимлиги

Давлат ўрмон фонди ерларида ёнгин хавфини олдини олиш чора-тадбирлари
тўғрисида

2021 йилда Давлат ўрмон фонди ерларида ёнгин келиб чиқишининг ҳамда табиатга ва ўсимлик дунёсига зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида, Бойсун давлат ўрмон хўжалигининг 2021 йил 3 апрелдаги 32-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги 506-сон “Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. 2021 йил ёз, куз фаслларида Давлат ўрмон фонди ва кўшни фермер хўжаликлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган ўрмонларда тамаки маҳсулотлари чекиш, ов қилиш ҳамда гулхан ёқиш қатъиян ман қилинсин.

2. Бойсун давлат ўрмон хўжалиги ҳамда бўлимларида ёнгинга қарши кураш тадбирлари 1-иловага, фавқулодда ҳолатларда ёнгинни ўчириш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бойсун давлат ўрмон хўжалиги (Ш.Останақулов), Алачопон ўрмон бўлимлари (Б.Менглиев), Кенгдала ўрмон бўлими (К.Рахмонов), Хомкон ўрмонбўлими (Ф.Мамаюсов), Мачай ўрмон бўлими (Х.Эшонқулов), Қўнғирот ўрмон бўлими (Қ.Мухаммадиев), Қизилнавр МФЙ, Ўрта Мачай МФЙ, Юқори Мачай МФЙ, Ўрмончи МФЙ, Чилонзор МФЙ, Мехриобод МФЙ раислари ёнгин хавфини олдини олиш бўйича барча тадбирларни ўтказишга шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

4. Бойсун давлат ўрмон хўжалиги (Ш.Останақулов), Алачопон ўрмон бўлими (Б.Менглиев), Кенгдала ўрмон бўлими (К.Рахмонов), Хомкон ўрмон бўлими,(Ф.Мамаюсупов), Мачай ўрмон бўлими (Х.Эшонқулов.), Қўнғирот ўрмон бўлими (Қ.Мухаммадиев) Қизилнавр МФЙ, Ўрта Мачай МФЙ, Юқори Мачай МФЙ, Ўрмончи МФЙ, Чилонзор МФЙ, Мехриобод МФЙ раислари биргаликда Давлат ўрмон фонди ерларида ёнгин содир бўлганда тезда кечиктирмасдан ёнгинни ўчириш учун етарли одамларни жалб қилиш ва уларни асбоб-ускуналар ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

5. Бойсун давлат ўрмон хўжалиги (Ш.Останақулов), вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Бойсун туман инспекцияси (И.Аъзамов), Қизилнавр МФЙ, Ўрта Мачай МФЙ, Юқори Мачай МФЙ, Ўрмончи МФЙ, Чилонзор МФЙ, Мехриобод МФЙ раислари ўрмон хўжалиги ер фонди ерларига яқин жойда яшаётган аҳолига ўрмон хўжалиги ер фонди ерларида ёнгинни олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда “Ўрмон тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунларни бузган шахсларга нисбатан ҳужжатларни расмийлаштириб, тегишли органларга тақдим этиш вазифалари топширилсин.

6. Матбуот хизмати (Ю.Холиёров) мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ч.Абдуназаров зиммасига юклатилсин.

Ҳоким



JO'RAYEV A. S.

Бойсун туман ҳокимининг
2021 йил 15 июлдаги
73-8-110-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Бойсун давлат ўрмон хўжалиги ерларида ёнғинга қарши
курашиш чора-тадбирлари**

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
1	1. Ўрмонларда ва ўрмон билан қопланган ўрмон фонди ерларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун шахсан жавобгарликни хис этиш, ёнғин бўлиши эҳтимоли кучли даврда белгиланган ёнғин хавфсизлиги ишларини бажариш, Давлат ўрмон фонди ерларида чиққан ёнғинни тезкорлик билан ўчириш ва бу тўғрисида Босун давлат ўрмон хўжалигига хабар қилиш	Мавсум давомида	Барча ўрмончилик бўлими ўрмонбегилари ва ишлаб чиқариш участка бошлиқлари
2.	Ўт-улан билан қопланган ерларда. Қамишзор ва ўрмонзорлар яқинида, шамолли об-ҳавода гулхан ёқишни таъқиқлаш, ёниб турган нарсаларни ташлаш учун махсус жойлар ташкил қилиш	Мавсум давомида	Бош ўрмонбеги, ўрмон инспектори, барча ўрмончилик бўлими ўрмонбегилари ва ишлаб чиқариш участка бошлиқлари
3.	Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин чиқиши хавфи бор ҳудудларда сув идишлари сув тўлдирилган ҳолда (кичик ва ката ҳажмли сув идишлари) жойлаштириш	Мавсум давомида	Барча ўрмон бўлими ўрмонбегилари ва ишлаб чиқариш участка бошлиқлари
4.	Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин чиққан ҳолда ёнғин чиққан жойда кўнгилли ёнғин ўчириш бўлинмаларини, белгиланган ёнғин ўчириш ишчи кучларини ўз вақтида етказиш, техникалар билан таъминлашни тўғри ва аниқ ташкил қилиш.	Мавсум давомида	Бош ўрмонбеги, муҳандис-механик

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
5.	Чорва моллари боқиладиган, овқилинадиган, беда ўриладиган ўрмонларда, болалар оромгоҳларида, дам олиш зоналарида, ёнғин ўчириш қуролларини бўлишини назорат қилиш, Давлат ўрмон фонди ерларига яқин ерларда ва унга олиб борувчи йўллар ёқасига оловдан эҳтиётлик билан фойдаланишга чақирувчи ёнғин чиқиш хавфидан огоҳлантирувчи белгиларни қўйиш	Мавсум давомида	Хўжалик мудирлари, бўлим ўрмонбегилари ва ўрмончилари
6.	Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузувчиларни тезкорлик билан аниқлаш, уларни устидан зудлик билан билан тегишли хужжатларни тузиб, келтирилган зарарни ундириб олиш чораларини қўриш, ёнғинга қарши кураш мақсадида тезкорлик билан ҳаракат қилувчи гуруҳ тузиш, уни ҳаракат йўналишини белгилаш ва шу мавзуда семинар ташкилқилиш	Мавсум давомида	Бош ўрмонбеги, ўрмон инспектори, барча ўрмон бўлими ўрмонбегилари ва ишлаб чиқариш участка бошлиқлари, бўлим ўрмончилари

Бойсун туман ҳокимининг
2021 йил 15 июлдаги
73-8-110-Q/21-сон қарорига
2-илова

2021 йилда Бойсун давлат ўрмон хўжалигининг Алачпон, Кенгдала, Мачай, Қўғирот ва Ҳомқон ўрмон бўлиmlарига фавқулодда ҳолатларда ёгинини ўчириш
РЕЖАСИ

Жами	Шундан ёгини ўчиришга қатнашди	Болта	Апра	Белкуррак	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1.	Ўрмончи МФЙ	1275	200	50	100	50	Алачпон	1	1	Маҳалла фуқаролар йиғинлари, фермер хўжаликлари	Туман тиббиёт бirlашмаси (Р.Одинаев)	“Ўтөлеском” АК Бойсун туман филиал (Г.Гаффаров)	Б.Менглиев	Ўрмон инспектори Б.Норқобилов, Ўрмон инспектори Б.Нурманов	Ўрмон хўжалиги, маҳалла фуқаролар йиғинлари, камда фермер хўжаликлари оғборлари
2.	Қағилшар МФЙ	1129	200	70	80	50	Кенгдала	1	1				Х.Эшонкулов		
3.	Урта Мачай МФЙ Юкори Мачай МФЙ	5025	470	130	120	220	Мачай	1	1				Х.Эшонкулов		
4.	Чилтоғор МФЙ	4356	430	120	210	100	Ҳомқон	1	1				Ф.Мамавоступов		
5.	Меҳробод МФЙ	2579	330	100	120	110	Қўғирот	1	1				К.Муҳаммадиев		

Пр	Бойсун тумани	Жойлашган аҳоли	Ёгинига қарин ўчириш асбоблари	Ўрмон бўлиmlарининг номи	Техникали сони	Шундан сун ташвиш машинаси	Керакли нарсалар лобориланган жойлар	Тиббий ёрдам кўрсатилшини танқил этишда жавобгар шахс	Ёгини бузланган жойларда алоқачи тиклаш бўйича жавобгар шахс	Ўрмон бўлими бошқисларининг И.Ф.О	Ёгинини ўчириш бўйича жавобгар шахс	Техника ва ёгини ўчириш асбоб-суювларини олиш жойи